



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021-yil " 5 " may

Қ-394 -сон

Termiz sh.

Жарқўрғон тумани “Олтиндон Қўрғони” массиви “Офтобқўрғон” маҳалласи ҳудудидан “ABDUVAIT ASADBEK BARAKA” МЧЖга балиқчиликни ривожлантириш ва “Чорва комплекси” қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 08 мартдаги ПҚ-4243-сон қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 26 апрелдаги 05-02/318-сон йиғилиш баёни, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармасининг 2021 йил 01 апрелдаги 44-сон хулосаси, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2021 йил 09 мартдаги 01-05/82-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Жарқўрғон тумани “Олтиндон Қўрғони” массиви “Офтобқўрғон” маҳалласи ҳудудидан “ABDUVAIT ASADBEK BARAKA” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан жами 1,5 гектар, шундан қишлоқ хўжалик харитасининг 275қ-дала контуридан 1,0 гектар, шундан 0,8 гектар дарё ва сойликлар ер майдони балиқчиликни ривожлантириш учун (49 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ва 341қ-дала контуридан 0,5 гектар яйлов ер майдони “Чорва комплекси” қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. “ABDUVAIT ASADBEK BARAKA” МЧЖ 0,5 гектар яйлов ер майдонига “Чорва комплекси” қуриш учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 7 646 510 (етти миллион олти юз қирқ олти минг беш юз ўн) сўм давлат тўлов қоплама

қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов